

Область буйнича:	0,51	100,38	0,44	85,40
------------------	------	--------	------	-------

БУГУН ПАРТИЯ ВА КОМСОМОЛ СИЁСИЙ МАОРИФИ, ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ ШОХОБЧАЛАРИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНАДИ

КОММУНИСТИК ТАРБИЯНИНГ МУХИМ ҚУРОЛИ

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА дунёқарашни шакллантириш совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг мустахкам асоси бўлиб келди ва шундан бўлиб қолади. Бу партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида ҳам алоҳида таъкидланди. Партия коммунистларга назарияга эҳтиёсини, унга иштлиги ва эътиқодини тарбиялашга катта аҳамият бермоқда.

Июнь Пленумида марксча-ленинча таълим сифати ва самардорлигини янада ошириш йўллари белгилаб берилди. Пленум қарорларида сиёсий мактаблар, семинарлар, коммунистик меҳнат ва конкрет экономика мактаблари иш услубини ўзгартириш, расмийчилик ва қиротхонликка қатъий билан барҳам бериш, марксизм-ленинизм, КПСС тарихий тажрибаси ва сиёсийнинг пропаганда қилишни яхшилаш, чуқурлаштириш, ўқувнинг ҳаёт билан алоқасини мустахкамлаш, актуал социал-иқтисодий ва сиёсий-тарбиявий вазифаларини ҳал этиш йўли билан унинг амалий йўналтирилганлигини кучайтириш уқтирилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов Пленумда сўзлаган нутқида «Сиёсий ўқининг маъноси шундан иборатки, ҳар бир киши ҳозирги кун шароитида партиянинг сиёсатини чуқур тушуниб олсин, олган билимларини амалда қўллана билсин, ўз бурчнинг равшанроқ тасаввур этсин ва амалда бажарадиган бўлсин» деб кўрсатди.

Бу талаблар ҳисобга олинган ҳолда янги ўқув йилида партия маорифи системасида ўрганиладиган предметларнинг сон ва бирмунча қисқаради. КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатлар сиёсий, ёш коммунистлар, марксизм-ленинизм асослари, илмий коммунизм мактабларида шугулланадилар. Шунингдек, партия ҳужалик актив мактаблари ва методологик семинарлар ташкил этилди. Тингловчилар сиёсий ўқувнинг оммавий формаларига жалб этиладилар. Иқтисодий таълим системасида шугулланаётган тингловчилар эса коммунистик меҳнат ва конкрет экономика мактаблари, иқтисодий семинарларда билимларини оширадилар.

Областимиз бўйича партия ва комсомол сиёсий ўқув, иқтисодий таълимга 720 миң киши жалб этилади. Ҳар беш тингловчининг биттаси марксча-ленинча назарияни мустақил равишда, шахсий план асосида эгаллаши кўзда тутилган.

Кейинги йилларда областимизда партия кўрсатмалари асосида пропаганда катталари ташлаш, жой-жойига қўйиш ва ўқитиш ишлари анча яхшиланди. Мактаб ва семинарларда бу йил машғулотларини олиб борадиган 23 миң пропагандаистнинг 95 процентидан кўпроги олий маълумотга эгадир. Қўпгина мактаб ва семинарларда корхона, ҳўжалик, ташкилот ва муассаса раҳбарлари пропагандаистлик қиладилар. Област партия комитети сиёсий маориф уйида янги ўқув йили олдидан 5 миңга яқин

пропагандаист ўз малакасини оширди. Сиёсий ўқув ташкилотчилари учун район ва шаҳар партия комитетлари қошида доимий ишлайдиган 76 та семинар ташкил этилган.

Янги ўқув йилига пойтахтининг Киров райони, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида, Оҳангарон ва Ёўстонлиқ районларида ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилды. Бу ерларда дастлабки машғулотларини уюшқоқлик билан бошлаб юбориш учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация, Чирчиқдаги «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Таштестдильмаш» заводи, «Ангрен» кўмир кони, Ёўзенстон металлургия заводи, Оҳангарон районидagi «Ангрен» совхоз, Коммунистик районидagi «Ленинский путь», Янгийўл районидagi Калинин номи колхозлар ва бошқа партия ташкилотлари сиёсий ўқув ва иқтисодий таълимга раҳбарлик қилинганда ўтган йилги тажрибалардан фойдаланиб, ҳар бир машғулоти юксак савияда ўтказиш қораларини кўриб қўйганлар.

Сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим машғулотлари 1983 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик план топириқларини муваффақиятли бажаришга, меҳнаткашларнинг активланиши янада кучайтиришга, Ёўзенстон Компартияси ва Ёўзенстон ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейини муносиб қўтиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдиришга хизмат қилиши керак.

ПРОПАГАНДИСТ

Рихсибой Тўраев Тошкентдаги «Миконд» заводи марказий лабораториясининг бошлиғидир. Бу хизмат вазифасини у муҳим партия топириғи — пропагандаистлик қилиш билан муваффақиятли қўшиб борапти. Р. Тўраев 1975 йилдан буён иқтисодий таълим мактабидagi машғулотларини олиб борапти. Мактабда шугулланаётган 16 тингловчининг ҳаммаси ишлаб чиқаришда шахсий намуна кўрсатмоқда, корхона жамоат ишларида фаол қатнашаётир. Пропагандаист янги ўқув йилига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриб қўйган. Сўратда: пропагандаист, коммунист Р. Тўраев.

В. Портнов фотоси.

БИЛИМЛАР-АМАЛДА

ЎТГАН ўқув йилида мен пропагандаистлик қилган илмий коммунизм мактабиди 20 нафар тингловчи ўз билимларини оширди. Ҳар бир машғулоти қизиқарли, жонли ўтиши учун ҳаракат қилдим. Ёўргазмали куруллардан, турли адабиётлардан фойдаландим.

Тингловчиларнинг машғулотларда олган билимлари уларда янада ахишроқ меҳнат қилиш масъулиятини кучайтирмоқда. Буни уларнинг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари яққол исботлаб бермоқда.

ШАХСИЙ ПЛАН АСОСИДА

СИЁСИЙ ўқув ва иқтисодий таълим машғулотларининг сифати ва самардорлиғи кўп жиҳатдан пропагандаист маҳоратига боғлиқдир. Ўқув ташкилотчиси ҳар бир тингловчини онгига ва қалбига йўл топа олмагани машғулотдан кўзланган мақсадга эришилади. Бу соҳада ҳар бир пропагандаистнинг шахсий иқидий план асосида иш олиб бориши жуда муҳимдир.

Йигирма йилдан бери пропагандаистлик қиламан. Кейинги ўн икки йил мобайнида коммунистик меҳнат мактабига раҳбарлик қиламан. Мактабимизда 25 тингловчи шугулланади. Улар асосан оддий ишчилардир.

Ҳар бир ўқув йили учун шахсий иқидий план тузишга киришар эканман, тингловчиларнинг маълумоти, қизиқиши ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олишга ҳаракат қиламан. Ҳар бир машғулоти таъсирчан ўтиши учун унга зарур ёўргазмали курулларни аввалдан тайёрлаб қўяман. Айниқса, машғулотларда баҳслар, мунозараларни бошлаб юбориш учун ҳар бир ижтимоийдан фойдаланаман. Шундагина ўтиладиган мавзуга бераққ қарайдиган тингловчи бўлмайди.

Пропагандаист ўз тингловчилари билан фақат машғулотлардагина учрашмасдан, уларнинг доимий масалаҳатчиси бўлиши лозим, деб ҳисоблайман. Ёўзим мактабимиз тингловчиларига шахсий мажбуриятларини тузишларида қўмаклашаман. Уларнинг меҳнатдаги му-



турипти. Жумладан, тингловчи Н. Тўлаганова бошлиқ бригада коллективи давлатга мева ва узум топириш планларини анча ошириб бажаришга эришди. Худди шунингдек, М. Жакиков бошлиқ боғдорчилик бригадаси ҳам эл дастурхонига пландаги 190 тонна ўрнига 258 тонна узум тортиқ қилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Тингловчиларимизнинг аксарияти совхозимизда тарғибот ва ташқиқот ишларини олиб боришда ҳам иштирок этмоқда.

Бугунги машғулотида, биз КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари асосида идеологик, оммавий-сиёсий ишларни давр талаби асосида такомиллаштириш масаласини ўрганишга киришамиз. Умид қиламани, тингловчиларнинг бу машғулотларда олган билимлари ҳам уларни меҳнатда янги муваффақиятларга эришишга қўмаклашад.

МЕХНАТДА ЎРНАК, ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ФАОЛ

ШОХИД Турдиев ва ШОХИМДОН Кўенонлар колхозимиздаги йилор пахтачилик бригадаларига етакчилик қиладилар. Улар бошлиқ коллективлар пахта тайёрлаш бўйича социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажаришган.

Б. ҚУРБОНОВ, Ёўстонлиқ районидagi «Ёўстонлиқ» совхоз илмий коммунизм мактабининг пропагандаисти.

қилаётган марксизм-ленинизм асослари мактабининг тингловчиларидир. Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, бу мактабда шугулланаётган 34 колхозчиликнинг аксарият қисми меҳнатда шахсий намуна кўрсатмоқда, жамоат ишларида фаол иштирок этаётир. Жумладан, тингловчилардан 13 киши агитатор, 17 киши эса

сиёсий ахборотчидир. Қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнат ва сиёсий активликлари оширишда сиёсий ўқувнинг роли катта бўлган. Мен йигирма йилдан бери пропагандаистлик қилиб келаман. Бу давр ичиди орттирган тажрибам ҳар бир машғулоти ҳўжалик ҳаёти билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ўтиладиган мавзу колхозчиларимиз олдиди турган вазифалар билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши учун иштиклан.

У. САФАРОВ, Ёўрта Чирчиқ районидagi Оҳунбобоев номи колхоз марксизм-ленинизм асослари мактабининг пропагандаисти.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг Президенти, Академик О. С. СОДИҚОВ 70 ЁШДА

ИЛМ-ФАНИМИЗ ФАХРИ

сый вазифаси дастлаб ўқилган ҳам кўра отага қўмаклашди. Рўзгор тебратишга интилиш бўлиб қолди. Шу тариқа Обиджон 16 ёшида колхозга шогирд тушди. Тирчилик қилиб оила бағрига салгина шамол теккандан сўнггина ўрта мактабда ўқилиши давом эттирди. 18 ёшида Ёўрта Осиё Давлат университетининг тайёрлов курси билимга ташна йигитчани ўз бағрига олди. Ёўр илдан сўнг эса дорилфунунда студент сифатида жамоат ишларида ҳам актив қатнаша бошлади. Тез орада Обиджон сергайратлиги, илмга меҳр қўйганлиги, изланувчанлиги билан талабалар орасида танилди.

Университетини аъло баҳо билан тугатлаган О. Содиқов органик химия кафедрасида аспирантурада қолди ва илмий амалий тажрибалар билан боғлади. 1940 йили эса унинг касбдошлари ёш Обиджонни кандидатлик диссертацияси билан табириладилар. Олим ҳамон изланишда эди. У табирий бирикмалар соҳасидаги тадиқотлар билан шугулланди. Кейинроқ анабани химиясини чуқур ўрганишга киришди. 1945 йилда у докторлик диссертациясини муваффақият билан қўйди.

Республикамиз илм-фан аҳли Обид Содиқовни 34 ёшида Ёўзенстон Фанлар академиясининг академиги қилиб сайланганидан беҳад қувончда эди. Айни чоғда у академиянинг химия институтига директорлик қилди.

Кимёгар олим ҳаётининг анчагина қисми Тошкент Давлат университетини билан боғлиқдир. У дорилфунунда ўз иқтидорини тўла намоён этди. 1958 йили эса университет ректор қилиб тайинланди. Олим Ёўзенстон ССР Фанлар академиясининг президенти қилиб сайланганидан кейин ҳам университет коллективи билан ҳамisha ҳамкорликда бўлди.

Мамлакатимизда биорганик химия ва табиий бирикмалар химияси бўйича эътироф этилган ўзбек илмий мактаби академик О. Содиқов номи билан боғлиқ. Олим раҳбарлигида анчагина алкалоидлар ўрганилди ва акратид олинди, чигит шугҳасининг химиявий таркиби чуқур тадиқ қилинди.

Республика академиясида ҳамда университетда табиий бирикмалар бўйича қатор проблемалар лабораториялар очилди. О. Содиқовнинг хилолидиган алкалоидлари бўйича жуда катта тадиқотлар мамлакатимиз, шунингдек жаҳон олимлари томонидан алоҳида эътироф этилди. Хусусан СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Ю. А. Овчинников олим лабораторияларида исботланган ўсимликлардан олинган айрим моддалар қучли физиологик активликка эга эканлиги ҳақидаги таълимоти юксак баҳолади.

Машҳур олим О. Содиқов Совет Иттифодида биринчи қатор табиий бирикмаларнинг турли гуруплари реакцияга киришуви моҳияти, уларнинг электрон ва молекулалари конформацияси тузилиши мураккаблиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб берди ва бу билан фанга муҳим илмий ҳулоса қўшди. Обид Содиқов илмий кузатишларида квант химияси, моддаларнинг стереохимия ва электрон структураси каби масалаларнинг муваффақиятли ҳал қилиниши органик химия ва биохимиянинг кўпгина назарий муаммоларини ечишда муҳим рол ўйнади. Ёўрта Осиё ва Қўзоғистонда ягона биорганик химия институти эса

унинг раҳбарлигида ҳозирги кунда мамлакатимиздаги йилор илмий марказлардан бири бўлиб қолди. Бу институтида Ёўзудан ва пахта чинкидларидан комплекс фойдаланиш, хусусан қиңтисиз технология яратиш устида қизиқари тадиқотлар йўлга қўйилган. Институтида қишлоқ ҳўжалик зараркунадаларига қарши препаратлар тайёрлаш ҳақсидида бу зараркунадаларнинг феромонлари ва кормонларини акратид олиш соҳасида муҳим илмий изланишлар олиб боришмоқда, уларнинг ҳаммасига О. Содиқов бошқош. Институти олимлари Ёўза навалини ахшилаш, унинг касаликларга чидамлигини ошириш борасида ҳам қатор янгиликлар яратилди.

О. Содиқов 17 йилдан буюн Ёўзенстон ССР Фанлар академиясини бошлиқлик қилмоқда. Бу йиллар мобайнида республикамизда илм-фан жадал равнақ топти. Экономиканингу муҳим проблемаларини ҳал этишда, илмий тадиқот институтиларини қўпайтириш ва малакали кадрлар тайёрлашда О. Содиқов қўшган ҳисса жуда улкан бўлди. Олим кўпгина илмий кенгашлар, илмий журнал ва

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЎ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЎ 114-ЎСКИ ТОШКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИДАН ЁўЗЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВЛАР БўЙИЧА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎЎРИСИДА

Халқ депутатлари област Совети ижроия комитети «Ёўзенстон ССР Олий Советига сайловлар тўғрисида»ги Ёўзенстон ССР Қўнуни 57-моддасига мувофиқ қарор қилди:

114-Ўски Тошкент сайлов округидан ўн икки чакриқ Ёўзенстон ССР Олий Советига сайловлар бўйича округ сайлов комиссияси жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективлари вакилларининг қўйидаги составида тасдиқлансин:

комиссия раиси Дадамуҳамедов Икром Ҳидоевич — Ёўзенстон Коммунистик партияси «Средзакнабел» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Пахта» филиалининг бошланғич ташкилотиди;

комиссия раисининг ўринбосари Абдуллаҳов Ҳамза — «Партия XXIV съезди» совхоз ишчилари, инженер-техник ҳодимлари ва хизматчилари коллективиди; комиссия секретари Қаҳҳорова Роҳила — Ёўзенстон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзини колхоз аъзолариди;

комиссия аъзолари: Аноркулов Анорбек — Ёнгельс номи колхоз аъзолариди; Бойбекова Сапура — «Октябрь 40 йиллиги» колхоз аъзолариди;

Ботирова Турсуной — Ёўзенстон Коммунистик партияси халқ депутатлари Ёски Тошкент қишлоқ Совети ижроия комитети бошланғич ташкилотиди;

Бахромоов Мирзакарим — Ёўзенстон Коммунистик партияси Навоий номи колхоз бошланғич ташкилотиди;

Тиллаева Ўрингул — Жамбул номи совхоз бошланғич касаба соъз ташкилотиди;

Умаралиева Насиба — Ёўзенстон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзини «Москва» колхозини бошланғич ташкилотиди.

ЎТГАН ЙИЛДАГИДАН 10 МИНГ ТОННА КўП

ТОШКЕНТ РАЙОНИ ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ МЕХНАТКАШЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРДИЛАР

СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўйиш учун астойдил курашаётган Тошкент райони қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар. Ҳозиргача 27,5 миң тонна картошка етиштирилди, давлатга 25 миң тонна ёки йиллик пландагидан 10 миң тонна кўп маҳсулот сотилди. Эл дастурхонига 110 миң тоннадан кўп сазавот етказиб берилди. План 112,5 процент адо этилди. Мева, узум, ғалла, пилла планлари ҳам анча ошириб адо этилди. Ҳаммаси бўлиб 153 миң тонна қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари тайёрланди. Бу пландагидан 25 миң тонна, ўтган йилдагидан эса 10 миң тонна кўп.

Меҳнат ғалабасига барча колхоз ва совхозлар, Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, сазбавотчилик, полизчилик ва қар-

Жаҳон Ангиткилари

● БРАТИСЛАВА. Ёўрта Словакия области саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари совет буюртмаларини бажариш юзасидан олган интернационал мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. СССРга аталган 1 миллиард 99 миллион кроналик жами маҳсулотдан ҳозиргача 95 проценти жўнатилди. Линолеум, тўқимачилик саноати учун химикалийлар, кўр ювиш воситалари етказиб бериш йиллик плани муддатидан аввал, Улуғ Октябрьнинг 66 йиллигига бажарилиди.

5 декабрга транспортёр денталар, юк машиналари учун автопокишкарлар, ацетон ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш топириғи бажарилиди.

● БОНН. ГСДП раиси, ГФРнинг собиқ қандлери Вилли Бранд ГФР территориясида ГФР аҳолиси кўчиқилигининг хоҳиш-иродасига хилоф равишда Американинг ўртача олисликка учирладиган ракетапарини жойлаштиришдан иборат хатарли режалар амалга оширилишининг ҳалокатли оқибатларини ўқитиб ўтди. Башарти, Коль-Теншер ҳўкуматининг розилиғи билан ана шу биринчи зарба урадиган ракета-ядро воситалари ГФРда жойлаштирилган бўлса, бу нарса куруланиш пайғамбирини янада кучайиб кетишига муқаррар равишда сабаб бўлади, деди у. «Дойчландфун» радиостанциясининг муҳбири билан суҳбатда. Натияда Шарк билан Фарб ўртасидаги буюш ҳам кескин бўлган муносабатлар баттар қиғаллашиб кетди, деб ўқитди В. Бранд.

ГСДП раиси Фарбий Германия социал-демократларининг бўлғуси фавақулда съезди ГФР территориясида «Першинг-2» ва янаотли ракетапар жойлаштирилишини яқдиллик билан қоралайди, деб ишонч билдирди.

● ҚОБУЛ. Бу ерда АДР курули кучларидаги АХДП бошланғич ташкилотлари секретарларининг, биринчи Умууафғонистон кенгаши очилди. Кенгашда сўзга чиққан Афғонистон халқ демократик партияси Марказий Комитетининг секретари, Афғонистон армияси бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-майор М. Я. Садеки қисмлар ва бўлимадардаги партия ташкилотларининг фаолиятини юқори баҳолаб, уларни Апрель революцияси ғалабаларини ҳимоя қилиш ва афғон халқининг тинч турмуш шароитларини таъминлаш соҳасидаги вазифаларини бажаришга тайёр бўлиб турган АХДПнинг ишончли жағовар отряди, деб таърифлади.

● НЬЮ-ЙОРК. Рейган маъмурияти ҳокимият тепасида турганлигининг ташқи сиёсат соҳасидаги асосий натижаси шундиги иборат бўлдики, жаҳон термоярдо ёғини чиқиб хавфи кескин қучайди. Америка маъбуоти, кўпгина сиёсат ва жамоат арбоблари ана шундай ташвишли ҳулосага келмоқдалар.

«Ҳозир дунё ядро урушига анча яқинлашиб қолди», деб ёзишди таниқди публицистлардан А. Нок Бэрн билан Ж. Рэйкуэ. «Виллиж бойс» газетасида босилган мақолада, ана шу уруш сари силкиш сурутлари доимо жадаллашмоқда». Авторларнинг фикрича, бундай аҳвол рўй берганлиги фақат ҳозирги маъмурият хатарли агрессия сиёсатининг бевоисити оқибатидир.

● ЛУСАКА. Африка жаҳондаги мустақил давлатлар АҚШ билан ЖАР Намбия проблемасини бартараф этишни Куба қўшинларининг Анголандан олиб кетилиши билан боғлиқ қилиб қўйиш йўлидаги уринишларини батамом рад қилдилар ва қораладилар. дейилди «Фронт ёқаси» давлатфери раҳбарларининг бу ерда бўлиб ўтган учрашуви ақувлар юзасидан эълон қилинган ахборотда. Учрашувда Ангولا, Замбия, Мозамбик, Танзания президентлари, Зимбабве бош министри, Ботсвана ташиқ ишлар министри, шунингдек Жанубий Африка африкаликлар «миллий конгресси билан Жануби-Гарбий Африка Ташкилоти (СВА-ПО)нинг раҳбарлари катташдилар.

Учрашув иштирокчилари Анголанингу ўз территориясида кубалик интернационали қўшинлар туршиш тўғрисидаги масалада тутган позициясини тўла-тўқис қўллаб-қувватладилар ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгаши 435-сон резолюцияси Намбиядаги аҳволди тинч бартараф қилиш учун ҳақиқий асос бўлиб хизмат қилади, деб таъкидладилар.

(ТАСС, 14 ноябрь).

ПАХТАЗОР—ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ АҲДИГА ВАФОДОР ПАХТАКОРЛАРИ ХАЛҚ ХҲЖАЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРИБ,

ЭНДИЛИКДА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРМОҚДАЛАР

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

М. Қ. ҚОДИРОВ,
Тошкент область партия комитетининг секретари

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги қатор Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмаларини тўла-тўқис бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани кенг қўламда авж олдириб юборган областимиз пахтакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Ойа-Ватан тошкентликлардан 423 минг 600 тоннадан зиёд «оқ олтин» қабул қилиб олди.

Бу йилги ғалаба жуда машаққатли меҳнатлар авазига қўлга киритилганлиги билан алоҳида қимматлидир. Чунки табиат эрта қўқламдан бошлаб пахтакорлар олдида бир қатор муаммоларни қўзғатди. Ҳамма майдонлардаги чигитини тўла ва текис ундириб олиш, гектарларда қўқламнинг бут бўлишини таъминлаш, ёш ниҳолларни бегона ўтлардан тозалаш ҳеч қачон бу йилгидек мураккаб ва машаққатли бўлмаган эди. Шунинг учун ҳам область партия комитети барча район ва хўжаликларда план ва социалистик мажбуриятларни қўлайлидан даражада мўл ҳосил етиштиришни таъминлаш мақсадида оммавий сафарбарлиқни қўлайтиришга, ташкилий ишларини кенг қўламда авж олдиришга алоҳида эътибор берди. Район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларининг асосий моҳиятини ҳосил тақдир учун курашда меҳнатга яроқли ҳар бир кишининг иштирок этишини таъминлашга йўналтирилди. Ҳар доим бўлганидек коммунист ва комсомолларнинг авангардлик ва етакчилик роли қўлайтирилганлиги тўғрисида пахтазорларда оммавий сафарбарлик, кўта-ринки меҳнат кайфияти вужудга келди.

Ўзгани дефляцияни қилиш муддатини тўғри белгилаш, ҳосилнинг пишиб етилишига қараб бу тадбирни тақаллаштириб ўтказиш об-хаво ниҳкиликларни оқибатида юз берган бу йилги шароитда мутахассислардан тадбиркорлик ва ундабуронлиқни талаб эди. Бу соҳада катта тажриба орттирилган район ва хўжаликларда дефляцияни қўлай муддатларда сифатли ўтказиш ва терим агрегатларининг юксак унум билан ишлашлари учун кенг меҳнат фронти яратиб берилди.

Пахта йиғим-теримини идеология жиддатан таъминлаш область партия ташкилотининг муттаза диққат марказида бўлди. Оммавий-сиёсий ва ташкилот-тарғибот ишлари бевосита пахтазорларга, дала шийпоиларига кўчирилди. Қўп йиллик тажрибага эга бўлган энг моҳир ахборотчи ва агитаторлар, лектор ва пропагандистлар дала меҳнаткашлари ҳузурига юборилди. Ўйлаб ағитқублар, агит-поезслар йиғим-терим иштирокчиларига маданий-маиший хизмат кўрсатдилар.

Медицина ва савдо ходимлари ҳам хизмат жойини пахтазорларга кўчирди. Ҳар йилги етиштирилган ҳосилнинг асосий қисmini машиналарда териб бераётган дала гвардиячиларимиз учун бу йил мураккаб синновдан ўтишга тўғри келди. Чунки машина теримини қаралардаги ҳосилнинг пишиб етилишига қараб табақалашган усулда ташкил этиш лозим бўлди. Ҳамма хўжаликларда терим-транспорт отрядлари ва звеноларини тузишда, уларга техника воситаларини ва ишчи кучларини бириктиришда ана шу шароит аниқ ҳисобга олинди. Партия ходимларидан ва актив коммунистлардан терим-транспорт отрядлари ва звеноларига масъул кишилар бириктириб қўйилди. Машиналарнинг иш графикалари шароитдан келиб чиққан ҳолда тузилди.

Ҳосил пишиб етилган кунларда область пахтазорларида 2800 дан ортиқ терим агрегатлари юксак унум билан ишлатилди. Ҳар бир машина бунеридан кунига ўртача 4—5 тоннадан «оқ олтин» тўқинга эришилди.

Бу йил ҳам машаъл Бўка райони пахтакорлари кунлик суръатда энг юқори кўрсаткичларга эришиб, пахта тайёрлаш юзасидан область районлари ўртасида карвонбошлиқни қўздан бермадилар па республикада биринчилар қатори йиллик планни бажардилар. Йиғим-теримини уюшқонлик билан олиб бориб, машина ва механизмлардан, ишчи кучлари ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланган коммунистлар, Оққўрғон, Пискент, Бекобод ва Ўрта Чирчиқ районлари меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик ҳалқ хўжалик планини муддатидан илгари адо этдилар.

Бир қатор хўжаликлар ҳар қандай шароитда ҳам пахтадан мўл ва эртаки ҳосил етиштириш мумкин эканлигини амалда исботладилар. Ноқулай об-хаво шароитида ҳар бир агротехник тадбирни қўлай фурсатларда, оби-тобида амалга оширган Бўка районидagi Фрунзе номи, «Октябрь 40 йиллиги», «Коммунизм», Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номи, А. Икромов номи, Коммунистик районидagi «Политотдел», «Ленинский путь» колхозлари, Оққўрғон районидagi «Ленинизм» колхозини «Оққўрғон», С. Сегизбоев номи совхозлар, Пискент районидagi «КПСС XXV съезди» совхозини, Свердлов номи ва Охунбобоев номи колхозлар, Бекобод районидagi Ленин номи, Янгйўл районидagi «Коммунизм» колхозларининг азамат пахтакорлари ҳар гектар майдондан 35—45 центнердан ҳосил йиғиштириб олди, область хирмонига барака киритдилар.

Областимизда 50—60 центнерчилик ҳаракатини бошлаб берган ўйлаб юқори ҳосилли бригадалар бу йил ҳам ўз анъаналарига содиқ қолдилар. Бўка райони

даги Фрунзе номи колхоздан Анвар Мирзажонов, «Партия XIX съезди» колхозидан Аҳмад Душабев ва Саид Худойкулов, Ҳамза номи колхоздан Социалистик Меҳнат Қажрамоми Саодат Гулаҳмедова, «Бўка» совхозидан Социалистик Меҳнат Қажрамоми Мария Ковалева, Коммунистик районидagi «Политотдел» колхозидан Усмои Турсунбоев, Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номи колхоздан Худойберди Дадашев, Бекобод районидagi Ленин номи колхоздан Социалистик Меҳнат Қажрамоми Адолат Рўзимова ва Абдулҳасан Усмонов, Чиноз районидagi Навоий номи колхоздан Урчибой Ахромовлар етакчилик қилаётган бригадаларда бутунги кунгача ҳар гектар майдондан 45—55 центнердан хирмон кўтарилди.

Областимиз пахтакорлари учун қўвончли бўлган шу шодиёна кунларда Бўка районидagi «Коммунизм» колхозидан Абдулла Омиров, «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан Сервер Усмонов, Коммунистик районидagi «Ленинский путь» колхозидан Абдушуккур Усмонов, «Политотдел» колхозидан Абдушуккур Қўрмашев, Оққўрғон районидagi «Ленинизм» колхозидан Уган Бонров, Пискент районидagi «Пискент» совхозидан Ҳайдар Қороев, Бекобод районидagi «Далварзин» совхозидан Сулаймон Номозов, Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номи колхоздан Русетам Абдураҳмонов, Чиноз районидagi «Қизил Октябрь» колхозидан Эркин Очилов, Ҳалаба районидagi «Победа» колхоздан Уроқбой Нишонов сингари маҳорат ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилган ўйлаб меҳнат-ҳайдовчиларимиз номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Пахта йиғим-теримни ҳал қилувчи паллага кириб, ҳосил тақдир учун кураш айна қизган кезларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Республиканинг барча меҳнаткашларига Мурожаати касб-коридан қатъий назар меҳнатга яроқли ҳар бир кишини пахтазорга қорловчи даъваткор куч ва зифасини ўтади. Бугунги кунда шаҳарлик ишчи-хизматчилар, студентлар ва мактаб ўқувчилари пахтазорларда фидоқорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Партия, меҳнат ва уруш ветеранлари, пенсионерлар ва уй бекалари ҳам ўз уринларини пахтазорларда деб билди, деҳқонларга баҳоли қўдрат қўмаклашмоқдалар.

Йиллик план бажарилган бўлса-да, пахтазорларда кураш давом этипти. Навбат мажбуриятга, асосий марра ҳали олдинда. Серқўш республикамизнинг «оқ олтин» хирмони 6 миллион тоннага етмагунча областимиз меҳнаткашлари пахтазорларини тарқ эмасликка қатъий қарор қилишган.



БАЛЛИ СИЗГА,

АЗАМАТЛАР!

ОБЛАСТИМИЗ пахтакорларининг дастлабки ютуғига ҳар бир хўжалик, бригада ва зveno аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар. Бугунги кунда улар йиғим-теримини янада қизитиб, инсинчи довол сари дадил одилаб борилаётти. Суратларда: (юқорида ўнгдан) Коммунистик районидagi «Правда» колхозини далаларида машина терими пайти; Бўка районидagi «Бўка» совхозининг Социалистик Меҳнат Қажрамоми Мария Ковалева бошчилиги қилаётган бригадини пешқадам зveno бошлиғи Ўроғул Букурова шу кунгача ўз агрегати бунеридан 250 тонна пахта тўқди; Чиноз районидagi «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг тажрибали пахтакори Латиф Суяров билан колхоз раиси Турсунбой Раимова «оқ олтин» сифатини қўздан кечиринишда; (пастда ўнгдан) Пискент пахта тозалаш заводида пахтани бутлаш пайти; Ўрта Чирчиқ районидagi Охунбобоев номи колхоз меҳнаткорлари бу йил асосий ҳосилни «загори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олдилар. Кенгликдаги бу агрегат ана шуларнинг биридир.

В. Портнов фотолари.

АҲИЛЛИК БИЛАН ЕНГДИК

МАНА БУТҲУН дилларимизни қувончга тўлдирган аjoyиб хўшхабарнинг тўғри ҳақиқатини бугунги кунда билиш мумкин. Пойтахт областининг лабзи ҳалол пахтакорлари пахта тайёрлаш йиллик ҳалқ хўжалик планини бажариб, дастлабки доволдан ошдилар. Бунда бизнинг кичик коллективимиз аъзоларининг ҳам озми-кўмии улушлари борлигидан фахрланамиз.

Бу йил бригадамиз аъзолари 71 гектар майдонда 26 март кунгидеки чигит экиб бўлган эдилар. Бироқ, тажриба сифатида экилган капсулаларнинг чигитини унинг чикиши жуда қийин бўлди. Чунки у намлиқни қўпроқ талаб қилар эди. Аксига олиб ётибгарчилик бўлмади. Биздан кейин чигит эккан бригадаларда уруғлик унинг чикқан пайтда ҳам бизнинг даладаримизда тўпроқ ёрган бирорта ниҳол кўринмади.

Ана шундай ташвишли кунларда тажрибали пахтакорларимиздан Икромқул Раҳмонов, Маҳмадвали Раҳмонов, Муртазо Облоқулов, Қўрбон Ниёзовлар чигит маслиҳатини ўртага қўйишди. Уларнинг бу фикрини коллективимиз аъзолари муҳокама қилишди. Ҳушлас, чигит шу беришга қарор қилинди. Шу кундан бошлаб бригадамиздаги 32 аъзонинг ҳар бири сувнига айланди. Сув кечаси-кундузи тинимсиз оқинилди. 40 кун деганда уруғлик унинг чикиди. Бизни қувонтирган нарсаси шунки, чигит тўла ва қийғос бўй кўрсатди. Аммо ниҳолнинг авжига маҳлиё бўладиган пайт эмасди. Чунки вақт ўтиб борарди. Демак, ҳосил кечки бўлиб қолиши мумкин. Бунинг устига чигит сувидан сўнг бегона ўтинни қўнайиб кетиши аниқ.

Кечало-кундузи тадбиркорлик билан тинимсиз меҳнат қилишга тўғри келди. Айниқса, йиллик нормадан ўтинни тезроқ бериб бўлишга, ҳар бир шиллов орасида вақтдан ютушга ҳаракат қилишди. Чигит сувидан сўнг авж олиб кетган бегона ўтларга қарши оммавий сафарбарлик эълон қилинди.

Натижада бригадамиз даладаридан ҳосил хўжаликда биринчи бўлиб пишиб етилди. Биз табиат инжиқликларини аҳил-иқоли билан, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб бамаслаҳат иш юрити билан енгдик.

Шу кунгача ҳар гектар майдондан 53 центнердан ҳосил йиғиштириб олдинди. Бугунги кунда 55 центнерлик мардан ҳам ағдаллаб, социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун курашини давом эттирмаймиз. Бу марра ҳам сўзсиз эгдаланамиз.

Баёнқул РАҲМОНОВ,
Бўка районидagi Тимирязев номи колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи.

МУСОБАҚАДОШЛАР

Сиз суратда кўриб турган бу икки «капитан» — Оққўрғон районидagi Вотицев номи колхозининг пешқадам меҳнаткорлари Исомиддин Шерқўшев ва Холмамат Мамақулов, улар неча йиллардан бундан ўзаро мусобақалашиб меҳнат қиладилар. Лекин ҳалқгача ғолиб аниқланмаган. Чунки уларнинг ҳар иккаласи ҳам бир-бирдан қўлимшайди.

Г. Якубов фотоси.

ЮЗИМИЗ ЁРУҒ БЎЛДИ

КОЛХОЗИМИЗ пахтакорлари пахта йиғим-теримини уюшқонлик билан давом эттириб, йиллик планни районда биринчи бўлиб бажардилар. Дастлабки доволнинг барвақт эгдаланганига бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам муносиб ҳисса қўйишди. Барча қаргалардаги гўзаларни машинабоп қилиб ўс-тирганлигимиз, бригадамиз учун актирилган техника воситаларидан самарали фойдаланганлигимиз тўғрисида кунлик суръатда энг юқори натижаларга эришилди. 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан хирмон кўтариб, 24 октябрдаёқ социалистик мажбуриятимизни бажарганлигимиз ҳақида ғалаба рапортга имзо чеккан эдик. Шундан кейин ҳам йиғим-терим суръати бир кун бўлса-да, сусайтирилмади. Асрор Собиров, Мирза Ортиқов сингари дала гвардиячиларимиз ўз агрегатларини мавсумга пухта созлаганликлари тўғрисида бирор кун бекор туриб қолинишга йўл қўймадилар. Уларнинг ҳар бири ўз машиналарини бунеридан 150 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўқинишди.

Республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларига Мурожаатига жавобан бригадамиз меҳнат аҳли оширилган социалистик мажбурият қабул қилиб, курашини давом эттирдилар. Бугунги кунда 45 центнерлик маррани ҳам эгдallaб, оширилган социалистик мажбуриятимизни ҳам ёруғ юз билан бажардик.

Қабул пунктларига етказиб берилган жами ҳосилнинг 90 процентидан қўпроғи биринчи сортларга қабул қилинди. 80 процентдан зиёд ҳосил эса машиналар ёрдамида йиғиштириб олинди.

Ҳозирги кунда даладаримизни ҳосилдан тозалаш, шуддорга тайёрламоқдамиз. Турсунмурод БОБОЕРОВ, СССР Олий Советининг депутаты, Чиноз районидagi К. Маркс номи колхоз пахтачилик бригадаси бошлиғи.

Султон АҚБАРИН

МАРД ҚОЛҮР ПАЙКАЛ ИЧИНДА

Эй, менинг аш қоматли, бук омадли, қўш Ленин орденлигим,
Чотқол тизмалардан Сирдарё белгича
Эй, Нанайин олмасин еган чоллар йиғитдай,
Эй, олтин хирмонлари Бешторини пастда қолдирган,

«Наврўз ажа» чалдирган,
Эй, Чирчиқини сувини бир симирган қаримас.
Мангилайдан кўч аримас:
Эй, Нанайин олмасин еган чоллар йиғитдай,
Арслонсифат ўрводдор, панжалари бургутдай,
Эй, азалдан миришкор, бобо деҳқон, молбоқар,

Пахтага жонини қоқар.
Тошкент вилоятим,
Шеърини сенга совғатим.
Кўёв жинга, саруло муборак, бош устига!
Қадоқ қўлларинг гарди кўз билан қош устига!

Бу не ажаб тонгим, суруни ва гурури сабоким,
Қўрама, Пискент, Ўғим чўққиларини
Оша, Қўсувдай тоша-тоша хўшхабар келди
хуришди оламга: пойтахт область олтинпазлари дастлабки улкан маррани, чўн доволнинг эгдallабдилар. Пахта тайёрлаш йиллик ҳалқ хўжалик планни юв фоз адо этилди.

Аму ёқасидagi машаъл Хоразм билан Қорақалпоғистон АССРдан кейин, Сир ёқасидagi биринчи бўлиб ойна-Ватан танжинасига салкам 424 минг тонналик аксари ато нав Тошкент

тошириди. Демак, залварли 6.000.000 тоннанинг, бутун Ўзбекистон қўямданаётган шараф хирмонининг бир ёни эланди. «Ҳалабининг ўзи бўлмайди, дўстим» деган экан бир ширимиз. Ахир ушқардай енгил тодалардан сарбалаб тоғлар уйини ва дор таласида байроқ қилиштириб қўйиш айтишга осон. Қўқламдаги қўроқчилик, боз устига, сурунка совуқ, саратондаги беадаб жазирамга озмуча талофат етказдики, ўзбекининг бош эксинга! Тўла гектарлар ҳосил бўлмади. Ўзга гул ва шоваларини тўқиб юборди. Пахтанинг жони қаттиқ бўлса-да, ҳароратнинг ортинги ортиндик қилар, баргларидан қўқ хўжайралар сиймоб-дай қалқиб турар эмиш. Устига устак, тайлак қаргалардаги гўзакон кечикди. Кўни кеча кўрса Чинозининг уватларида мудом беадаб қўқлаб етибди.

Одам гулдан нозик, тошдан қаттиқ, дейдилар. Ҳар икки ибора, ҳар икки талқин ҳам тўғри. Хусусан, унинг тошдан қаттиқлиги ушбу йилги пахта учун синюкда бор кучи ва жазиб билан намоён бўлди. Ҳалқ статистикамиз соф — чўт қилиб кўрар: қанча майдонларга чигит қайталаб экилди? Қанча қаргаларга қўқат ўтказилди? Қанча сув омборлари бўшаб қолди? Қанча қудуқларнинг қўзи очилди? Неча минг гектарлар тақдор-тақдор юмшатилды? Сарфланган минерал ва маҳаллий ўғитларчи, техника ва ишчи кучларичи? Ўзбекистон миқёсида бунинг энг мукаммал электрон ҳисоблаш

машинаси ҳам чиқариб беролмас керак. Тошкент жасоратининг ўз исми, шарафи бор. Бахшиларга қирқ кеча-кундузлик таърифи бор. Ақибойда ақили ўргатарлик ери йўқ. Элчибойсиз пахтанинг термаси йўқ. Шетри йўқ.

Уроқбойсиз, Угамсиз қайқдайди ғалаба, қайқдайди теримда қарашмаса талаба! Қайқдайди Сервернинг бўлмаса кўл-қаноти, Савдо ходимларининг еган бахмал-баноти! Қайқдайди Саодат, Мариялар бўлмаса, Ветеранлар, хашарчи қариялар бўлмаса! Қайқдайди бўлмаса «Гулбоғи» чолгулари, «Педагог» ва «Мададор» отрядини ёғдулари, Қайқдайди бўлмаса Коммунистик, Бўкаси, Оққўрғон, Пискент, яъни пешдорларнинг укаси!

Бир ёни Бекобод-у, бир ёни Ўрта Чирчиқ, Мулкидан Текистилда айланар сон минг уручўқ. Тасанно карвонбоши хўжалик раислари, Кечаси қақирилган бош штаб мажлислари! Тасанно райажроқум ва райком вакиллари, «Сельхозтехника» каби запчатка кафилялари!

Яшасин, ҳисобчилар, алоқа санамлари, Телефонда берилган сводка рақамлари! Боя айтганимдек, жасоратнинг ўз исми, таърифи бор. Бўқадаги икки хўжалик наму-

ТЕХНИКА ҲАМОН ХИЗМАТДА

БУ ЙИЛ совхозимиз меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини районимизда биринчилар қаторида бажаришга муваффақ бўлдилар.

Планнинг барвақт бажарилишида механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнади. Десак муболага бўлмайди. Қабул пунктларига етказиб берилган жами «оқ олтин»нинг 4800 тоннасини ёки 80 процентдан қўпроғи «пўлат этак»лардан тўқилди. К. Яббаровов, Ғ. Өгамқулов сингари тажрибали меҳнат-ҳайдовчиларимизнинг ҳар бири мавсумда 120 тоннадан қўпроқ пахта териб бердилар.

Қаргаларда ҳосилнинг пишиб етилишига қараб дефляцияни табақалашган усулда ўтказилганлиги, майдонларни шароитга қараб машина теримига мослашга ҳаракат қилинганлиги йиғим-теримда юксак унум бўлишини таъминлади. Мажмуи «зангори кема»ларнинг ҳаммаси даладарда тўла қувват билан ишлатилди.

Даладардаги ҳосилнинг сўнгги тонналари йиғиштириб олинганда ҳозирги кунда ҳам техника воситалари ишчи ташлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Қўсак теридиган машиналарда, совхозимиз ишчи-хизматчилари ва хашарчилар ёрдамида йиғиштириб олинганда ҳосил қўсак чўвиш машиналарида тозаланиб, қўритилиб, қабул пунктларига жўнатилмоқда. Биз механизаторлар ана шу техника воситаларини бошқаримиз. Давлатга яна 600 тонна ҳамаше етказиб бериш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбурият ҳам яқин кунларда бажарилади.

Темирқул УМАРОВ,
Бекобод районидagi А. Мавлонов номи совхоз механизатори.



